



The minimum amount of attorney's fees that a client must pay for services provided by a lawyer

Shakhriyor TURAEV¹

Samarkand Regional Territorial Administration of the Chamber of Advocates of the Republic of Uzbekistan, Samarkand Institute of Economics and Service

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2025

Received in revised form

15 August 2025

Accepted 15 September 2025

Available online

05 October 2025

Keywords:

agreement-contract,
payable amount,
basic calculation amount,
minimum level,
administrative and technical
expenses.

ABSTRACT

This article substantiates that the amount payable in the agreement-contract with the client for services performed by lawyers should be set at a level not lower than the Basic Calculation Amount (BCA) based on mutual agreement. The payment structure for legal services has been improved based on the agreement between the lawyer and the client, with specific amounts established for each type of work, resulting in increased effectiveness of legal services. The article demonstrates mechanisms for achieving economic growth of legal structures, developing their infrastructure, and increasing the level of coverage for administrative expenses as a result of improving the payment system for legal services.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss5-pp198-203>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Адвокат бажарадиган хизматларга мижоз томонидан тўланиши лозим адвокатлик хизматининг энг кам миқдори

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

битим-шартнома,
тўланиши лозим миқдор,
базавий ҳисоблаш
миқдори,
кам даражаси,
маъмурий-техник
харажатлар.

Мақолада адвокатлар томонидан бажариладиган хизматларга мижоз билан битим-шартномада тўланиши лозим бўлган миқдорни ўзаро келишув асосида иш ҳақининг Базавий Ҳисоблаш Миқдори(БХМ)дан кам бўлмаган даражада белгилаш лозимлиги асосланди. Адвокат билан мижоз ўртасидаги келишувга асосан тўланиши лозим адвокатлик хизматлари учун ҳақнинг иш турларига нисбатан тўланиш миқдори такомиллаштирилган, ҳар бир иш турига нисбатан

¹ Chief Accountant, Samarkand Regional Territorial Administration of the Chamber of Advocates of the Republic of Uzbekistan, Independent Researcher, Samarkand Institute of Economics and Service.

тўланиши лозим миқдор белгиланган ва бунинг натижасида адвокатлик хизмати самарадорлиги оширишга эришилган. Адвокатлик хизмат миқдорини такомиллаштириш оқибатида адвокатлик тузилмалари иқтисодий юксалишга эришишлиги, инфратузилмасини ривожлантириш, маъмурий харажатларини қоплашлик даражаси кўтарилиши механизмлари кўрсатиб берилган.

Минимальный размер адвокатского гонорара, подлежащего оплате клиентом за услуги, оказываемые адвокатом

Ключевые слова:

договор-соглашение, подлежащая уплате сумма, базовая расчетная величина, минимальный уровень, административно-технические расходы.

АННОТАЦИЯ

В статье обосновывается необходимость установления суммы, подлежащей оплате за услуги адвокатов, в соглашении с клиентом на уровне не ниже базовой расчетной величины (БРВ) на основе взаимной договоренности. Усовершенствован размер оплаты адвокатских услуг, подлежащих оплате согласно соглашению между адвокатом и клиентом, в отношении различных видов работ. Установлен размер оплаты для каждого вида работ, что привело к повышению эффективности адвокатских услуг. В результате совершенствования системы оплаты адвокатских услуг представлены механизмы, способствующие экономическому росту адвокатских структур, развитию их инфраструктуры и повышению уровня покрытия административных расходов.

КИРИШ

Ривожланган мамлакатларнинг барчасида адвокатлик хизматларига бўлган эҳтиёж борган сари ортиб боради. Инсоният муҳитга мослашиш уни тўсиқларидан ўтиш каби масалаларда албатта малакали маслаҳатга эҳтиёж сезади. Жамиятимизда фаолият олиб боровчи фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг айнан олий малакали ҳуқуқий хизматга бўлган талаби катта. Бу борада адвокатлик хизмати айнан шу талабларни қондиради. Давлатимизнинг ривожланиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини янада такомиллаштиришдек муҳим вазифаларни амалга оширишда Давлат стандартлари асосидаги қонунларга бўйсунган ҳолда ҳаракатланиш лозим бўлиб, адвокат хизмати бу жараёни белгилашда энг ишончли ва асосий вакил саналади. Шунинг учун адвокатлик хизмат ҳақлари миқдорини белгилаш зарур ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ш.Мирзиёев 2017-2021 Ҳаракатлар стратегияси, Хван Л.Б., Солиқ Ҳуқуқи, Отахонов Ф.Ҳ. Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли, Каримов И.А. “Адолат қонун устиворлигида”

номли адабиётларда юридик хизматларини самарали ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар, юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари мавзусида илмий тадқиқот олиб борилмаган бўлса-да, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг умумназарий ва хусусий муаммолари Ш.Н.Бердияров, Ҳ.Б.Бобоев, М.С.Восиқова, И.Б.Зокиров, Ў.Х.Мухамедов, З.Муқимов, Х.Т.Одилқориев, О.Оқюлов, Ф.А.Примов, Ф.Х.Рахимов, Х.Рахмонқулов, М.Х.Рахмонқулов, ва бошқаларнинг асарларида ўрганилган, аммо уларда адвокатлик хизматларида тўланиши лозим энг кам миқдорлари билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилмаган. Бу эса танланган мавзунинг ҳозирги кунда долзарблигини кўрсатади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолада анализ ва синтез, сабаб ва оқибат, замон ва макон, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, иқтисодий математик ва статистик, корреляция даражаси ва линия регрессия каби усуллардан фойдаланилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Авваломбор биз адвокатлик хизматини қандай хизматлар таркибига киришини аниқлашимиз лозим бўлади ва унга мувофиқ таъриф берамиз. **“Адвокатлик хизматлари реал хизматлар таркибига кирувчи хизмат бўлиб, уни амалга оширишда интеллектуал хизмат ҳисобланган ҳуқуқий хизмат-маслаҳатлар, тушунтиришлар ва қонуний кўргазмалар берилиши билан бир қаторда унга моддий ресурслар ҳам сарфланади”**

“Адвокатлик хизматига берилган таърифимиздан келиб чиқсак, унинг хизмат баҳоси орқали адвокатлик тузилмасига берилаётган нафини қўйидагича формула асосида ишлаб чиқдик;

$$Ax_b = X_m + Ax + Ms$$

Бу ерда:

Ax_b - адвокатлик хизматларининг баҳоси;

X_m – ҳуқуқий маслаҳатларнинг барча турлари суммаси;

Ax – адвокатлик ҳаракатларининг барча турлари суммаси;

Ms – моддий ресурсларнинг барча сарфлари суммаси.

$$Ax_n = Axt - Aif$$

Бу ерда:

Ax_n - адвокатлик хизматининг нафлилик баҳоси;

Axt - адвокатлик хизмат тушуми суммаси;

Aif – адвокатнинг иш ҳақи фонди суммаси.”[1]

Нархларнинг тартибга солиниши уларнинг усуллари бўйича тўртга бўлинганда, уларнинг ҳар бирида албатта бошланғич нарх маълум бўлади, яъни сотиб олиниши лозим иш хизматларни нархлари аниқ ва у ушбу тўрт усул билан

ўзгартирилиши мумкин бўлади ва ҳар қандай ҳолатда ҳам товарларни, иш-хизматларни минимал нархлари аниқ бўлади. Шундай экан, адвокатлик хизматини бажаришда ҳам унинг хизмат турларига боғлиқ ва мос равишда минимал нархлари бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз. Биз ҳар бир хизмат нарҳини белгилашда унинг таннархи ва унга кетган интеллектуал хизматлар орқали баҳоланишини ҳисобга олган ҳолда адвокат томонидан бажарган хизматларнинг турига нисбатан, унга кетадиган моддий сарфларни ва энг аввало адвокатлик хизматининг асоси саналган адвокатлик хизмати салоҳиятини ва касбий маҳоратини, унинг мижозларга кўрсатаётган хизматининг даражасига нисбатан хизмат ҳақи миқдорини белгилаш лозим деб ҳисоблаб, нарх навонинг ўзгариши асосан ўсиши эвазига пулнинг қадрсизланишини ҳисобга олган ҳолда ҳақ миқдорининг энг кам даражасини баъзавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб, **“АДВОКАТНИНГ ХИЗМАТ ҲАҚИ ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ”** ни белгиладик.

Бу миқдорни белгилашимизда, ВМ 2024 йил 21 ноябрдаги № 774-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби” тўғрисидаги низом асос қилиниб ва адвокатлик хизматларнинг турларига қараб ишда иштирок этиш кунлар сонини ҳам минималини белгилаб олдик.

1.Фуқаролик ва бошқа ишларда иштирок этиш учун кетадиган кунлар:

- Мижоз билан шартнома тузиш учун 1 кун;
- Иш билан танишиш учун 1 кун;
- Материаллар йиғиш учун 2 кун;
- Ишда иштирок этиш учун 2 кун;
- Жами : 6 кун.

2.Иқтисодий ишларда иштирок этиш учун кетадиган кунлар:

- Мижоз билан шартнома тузиш учун 1 кун;
- Иш билан танишиш учун 2 кун;
- Материаллар йиғиш учун 4 кун;
- Ишда иштирок этиш учун 3 кун;
- Жами : 10 кун.


3.Маъмурий ишларда иштирок этиш учун кетадиган кунлар:

- Мижоз билан шартнома тузиш учун 1 кун;
- Иш билан танишиш учун 1 кун;
- Материаллар йиғиш учун 1 кун;
- Ишда иштирок этиш учун 1 кун;
- Жами : 4 кун.

4.Жинойт ишларида иштирок этиш учун кетадиган

кунлар:

- Мижоз билан шартнома тузиш учун 1 кун;
- Иш билан танишиш учун 2 кун;
- Материаллар йиғиш учун 4 кун;
- Ишда иштирок этиш учун 3 кун;
- Жами : 10 кун.



1-расм. Адвокатнинг хизмат ҳақи учун белгиланган тўлов миқдорлари.

Ушбу расмда адвокатлик хизматининг турларига қараб тавсия этилаётган энг кам миқдор белгиланган. Бу миқдорни белгилашда ишнинг бажарилишига ва асосийси, инфляция ҳисобга олинган ҳолда баъзавий ҳисоблаш миқдорида асосланиб тавсия қилинган.

Адвокатга тўланиши лозим энг кам миқдор аниқ бўлганда мижоз адвокатнинг баҳосига эмас, балки унинг хизматига қараб иш беради, адвокатлик хизматини нархи пастини ахтариб вақт йўотмасдан ўз ишини тезда ҳал этиш учун киришади, асосийси яширин иқтисодиётнинг олди олиниб, адвокатлик тузилмаларига тўланиши лозим хизмат ҳақи миқдорларини адвокат томонидан бажарилган ишга нисбатан камайтириб ёки яшириб кўрсатиш ҳолатлари олди олинади, гонарар-адвокатлик хизмат ҳақи тўлови мос равишда кўтарилиб, оқибатда адвокатлик тузилмаларига тўланиши лозим фонд тўлови ошиб маъмурий-техник харажатларни қоплаш имконияти кенгайиб адвокатлик тузилмаларининг самарали ривожлантиришга шароит пайдо бўлади. Бунинг натижасида ижара асосида эмас, балки, адвокатлик тузилмаларига янги бинолар сотиб олиш, уни жаҳон стандартлари даражасига мослаштириш, мижозлар талабига мувофиқ жиҳозлаш каби бир қатор масалаларга ечим топилади. Адвокат номига келиб тушган хизмат ҳақлари миқдори кўтарилганлиги эвазига адвокат томонидан топширилиши лозим ойлик молиявий ҳисоботининг миқдори кўтарилади. Адвокат томонидан иш ҳақи миқдори параллел равишда ошиб, унга

нисбатан адвокат томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ ва иш ҳақидан даромад солиқлари анчагина сезиларли даражада ортади.

Адвокатлик тузилмаларининг фонди кўпайган сари тузилмалар томонидан, унда фаолият юритаётган маъмурий-техник ходимларнинг иш ҳақлари ҳам ошади.

1-жадвал.

Адвокатлик тузилмаларида адвокатлик хизматидан тавсия миқдорининг ошиши.[2]

минг сум.

ЙИЛ ЛАР КЕСИ МИ ДА	Ҳақи қатда тўлан ган	Тавсия асосид а тўлан ган	Неча баро бар ош ган (3/2)	Ҳақи қатда тўлан ган	Тавсия асосид а тўлан ган	Неча баро бар ош ган (3/2)	Ҳақи қатда тўлан ган	Тавсия асосида тўлан ган	Неча баро бар ош ган (3/2)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
"Самарқанд Қонун Устуворлиги" адвокатлар ҳайъати				"Жомбой ҳимоя" адвокатлик фирмаси			"Шомуродова Х.Р." адвокатлик бюроси		
2022	554377	272943 0	4,9	64121	205470	3,2	26795	56430	2,1
2023	623505	188773 4	3	66400	229926	3,5	63447	84643	1,3
2024	738457	394401 5	5,4	106605	352238	3,3	120420	145080	1,2
"Самарқанд Қонунчилари" адвокатлар ҳайъати				"Ҳимоя МРК" адвокатлик фирмаси			"Абдурахмонова М" адвокатлик бюроси		
2022	253247	100467 0	4	15445	200340	13	3380	24030	7,1
2023	356848	823061	2,3	10525	171181	16,3	5750	21477	3,7
2024	426193	226896 8	5,3	14765	74284	5	9420	19181	2

1-жадвалда адвокатлик тузилмалари томонидан ҳақиқатда бажарилган ишларга нисбатан тушум ва унга нисбатан тавсия асосидаги тушумнинг неча баробар самарали ошиш миқдори кўрсатилиб, бунда ўртача жами тузилмаларга нисбатан 4,8 баробар ошишга эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
2. Ўзбекисто Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 5 январдаги 1-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган шакл асосида Адвокатлар палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси статистик маълумотлари.